

**Вилоят ҳокимининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва
маънавий-маърифий ишлар бўйича котибияти бош мутахассислиги
лавозимига номзодлар учун саволлар**

1. Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
2. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ёшларга оид давлат сиёсати соҳасидаги ваколатларини айтинг.
3. Ёшлар масалалари бўйича ҳудудий идоралараро кенгашнинг вазифалари ва функциялари нималардан иборат?
4. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар ҳақида гапириб беринг.
5. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш Концепциясининг мақсад ва вазифаларини айтинг.
6. Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш Концепциясини амалга оширишдан кутилган натижалар нималардан иборат? Шулар тўғрисида гапириб беринг.
7. Ёшлар ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатлари нималардан иборат?
8. Мамлакатимизда иқтидорли ва истеъдодли ёшларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қандай тартибда амалга оширилмоқда?
9. Мамлакатимизда ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш қандай тартибда амалга оширилмоқда?
10. Инсон капитали деганда нимани тушунасиш?
11. “Ёшлар дафтари”га кимлар киритилади?
12. “Ёшлар дафтари”да кўзда тутилган имтиёз ва енгилликлар ҳақида гапириб беринг.
13. “Ёшлар дафтари”га киритилганларга қандай ёрдамлар берилади?
14. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга доир қандай вазифалар белгиланган?
15. Ёшлар қандай ҳолларда “Ёшлар дафтари”дан чиқарилади?
16. Маҳалладаги ёшлар етакчисининг асосий вазифалари нималардан иборат?
17. Ёшлар етакчилари ўзига бириктирилган маҳаллада фаолиятини қайси йўналишларда амалга оширади?
18. Ёшларни олий таълим муассасаларига ўқишга киришларида яратилган имтиёзлар тизими ҳақида гапириб беринг.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 апрелдаги “Навоий вилоятининг олис чўл туманлари аҳолиси турмуш даражасини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2925-сон қарорида ёшларни олий таълим муассасаларига кириши билан боғлиқ қандай имтиёзлар белгиланган?
20. Глобаллашув шароитининг салбий томонларини санаб беринг.
21. Ўзбекистон ижтимоий давлат тушунчасининг моҳиятини тушунтириб беринг.
22. Ижтимоий адолат ва ижтимоий тенглик деганда нимани тушунасиш?

23. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида ижтимоий соҳани ривожлантиришга доир қандай вазифалар белгиланган?
24. “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг устувор йўналишларини айтинг.
25. “Ўзбекистон-2030” стратегияси ижросини 2024 йилда Навоий вилоятида ташкил этиш бўйича мақсадли кўрсаткичлар параметрлари ҳақида айтинг. Унда қандай мақсадлар кўзланган?
26. Маҳаллалардаги “ижтимоий ходим”нинг асосий вазифаларини айтинг.
27. “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамларни айтинг.
28. Ижтимоий ходимлар томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизмат ва ёрдамларни айтинг.
29. Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахснинг алоҳида розилигини талаб қилмасдан шошилиш ижтимоий хизматлар ва ёрдамлар кўрсатиладиган ҳолатларни айтиб беринг.
30. Навоий вилоятининг қайси туман ва шаҳарлари ижтимоий ходимлар томонидан ижтимоий хизматлар кўрсатиладиган олис ва чекка ҳудудлар ҳисобланади?
31. Оммавий тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлашга қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
32. Олис ва чекка ҳудудларда жойлашган бюджет ташкилотларига бошқа ҳудудлардан меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун келган олий маълумотли мутахассис ва (ёки) тиббиёт ходимига бошланғич ёрдам пули ва ҳар ойлик пул компенсациясини тўлаш тартибини тушунтириб беринг.
33. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими билан ишлаш тартибини тушунтириб беринг.
34. Ижтимоий инфратузилма объектларига нималар киради шулар тўғрисида гапириб беринг.
35. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар соғлигини сақлаш соҳасидаги ваколатларини айтинг.
36. Давлат соғлиқни сақлаш тизими ҳақида гапириб беринг.
37. “Жаҳолатга қарши маърифат” ғоясининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.
38. “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлик механизмининг мақсадини тушунтириб беринг.
39. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим соҳасидаги ваколатларини айтинг.
40. Мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини айтинг.
41. “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”нинг мақсад ва вазифаларини айтинг.
42. “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”да белгиланган вазифаларни оила ва узлуксиз таълим тизимида амалга ошириш босқичлари ҳақида гапириб беринг.
43. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мактабгача таълим ва тарбия соҳасидаги ваколатларини айтинг.

44. “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари!” ғоясининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.
45. Ўқувчилар билимини баҳолашнинг халқаро таълим дастурлари ва уларнинг мазмуни тўғрисида гапириб беринг.
46. Инсон капитали индексининг таркиби нималардан иборат? Тушунтириб беринг.
47. Ахборот-кутубхона фаолиятининг асосий вазифаларини айтиб беринг.
48. Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқларини санаб беринг.
49. Фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларига нималар киради?
50. “Инсон манфаати ҳар нарсадан улуг” ғоясининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.
51. Мафкуравий иммунитет нима? У қандай шакллантирилади?
52. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси қандай? Уни ўз фикрингиз билан тасвирлаб беринг.
53. Миллий ўзликни англаш деганда нимани тушунасиш?
54. Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонларни айтинг.
55. Маънавий таҳдид нима? Уларга мисоллар келтиринг.
56. Маънавият ва жамиятнинг янгиланиши деганда нимани тушунасиш?
57. Ислохотлар ва уларнинг маънавий мезонлари деганда нимани тушунасиш?
58. Глобаллашув деганда нимани тушунасиш?
59. Халқимизга хос юксак инсоний фазилатларни санаб беринг.
60. “Юксак маънавият – енгилмас куч” ғоясининг мазмун-моҳиятини тушунтириб беринг.